



ҚҮЛЛАШ БҮЙИЧА ЙЎРИҚНОМА ПРОСТАМЕД PROSTAMED

Препаратнинг савдо номи: Простамед

Дори шакли: чайналадиган таблеткалар

Таркиби

1 таблетка сақлайди:

Фаол моддалар: 200 мг ёғсизлантирилган қовоқ уруғи кукуни; ёғсизлантирилган қовоқ уруғи кукунининг тозаланган экстракти, (5-10:1), экстрагент: натрий гидрокарбонати/ош тузи/тозаланган сув (3/6,1/90,9)- 100 мг; золотар қуруқ экстракти (5-8:1), экстрагент: этанол 60 ҳажм % - 2,6 мг; тоғ терак баргларидан қуруқ экстракт (5-8:1) экстрагент: этанол 60 ҳажм% - 6,3 мг;

Бошқа ингредиентлар (тўлдирувчи): лактоза моногидрати, калций гидрофосфати, какао кукуни, сахароза, желатин, глицерин 85%, повидон K25, юқори дисперсли кремний икки оксиди, тальк.

Таърифи: Жигарранг, думалок, қавариқ юзали таблеткалар.

Фармакотерапевтик гурӯҳи: Простата безининг хавфсиз гиперплазиясида қўлланиладиган воситалар.

АТХ коди: G04CX

Фармакологик хусусиятлари

Простамед – мажмуавий фитопрепаратdir. Фаол моддаларнинг мажмуаси сийдик чиқаришини енгиллашишини таъминлайди, сохта қистовлар ва қолдиқ сийдикни бартараф қиласи, сийиш тез-тезлигини камайтиради.

Қўлланилиши

Простата безининг хавфсиз гиперплазияси (аденомада) I-II босқичида Сийдик чиқаришнинг бузилиши: сийишни қийинлашуви, сийиш тез-тез, шунингдек тунги вақтда, сийдик қопини тўлиқ бўшалмаганлик ҳисси (қолдиқ сийдик), енгиб бўлмайдиган сийишга қистовлар. Ўткир ва сурункали простатит (мажмуавий терапия таркибида) да қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталарга 2-3 таблеткадан кунига 3 минут қабул қилинади.

Таблеткаларни чайнаш, етарлича микдордаги суюқлик билан (1/4 л ичимлик суви) қабул қилиш керак.

Препаратни қўллаш давомийлиги 4 хафтани ташкил қиласи.

Ножӯя таъсирлари

Айрим ҳолларда меъдада бузилишлар, кўнгил айниши, қусиши ва ич кетиши бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тошма, қичишиш, тил ва оғиз бўшлиғи ва томоқ шиллиқ қавати шиши каби аллергик реакциялар пайдо бўлиши мумкин. Бирон бир нохуш реакциялар пайдо бўлса препаратни қўллашни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Таъсир этувчи моддаларга, мураккаб рангли ўсимликлар оиласига, салицилатларга ёки бошқа элементларни бирига юқори сезувчанлик.

Суюқликни кам истеъмол қилиш тавсия этиладиган касалликлар, масалан оғир даражали юрак ва буйрак касалликларида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Хозирги вақтгача Простамедни бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ўрганилмаган.

Махсус кўрсатмалар

Касаллик симптомларин узок давом этишида ёки иловада кўрсатилмаган ножўя самараларда шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Сийдикда қон пайдо бўлганда, сийдик чиқариш йўллари инфекциясида, бузилишлар хуружида ёки сийдик чиқаришни ўткир тутилишида шифокор маслаҳати зарур.

Простамедни болаларда ва 18 ёшгача бўлган ўсмирларда қўлланилиши хақида етарлича клиник текширувлар йўқ. Шунинг учун Простамедни болаларда ва 18 ёшгача бўлган ўсмирларда қўллаш мумкин эмас. Галактозани ўзлаштираолмаслик, лактаза етишмовчилиги, фруктозани ўзлаштираолмаслик, глюкоза-галактоза мальабсорбцияси ёки сахароза-изомальтоза етишмовчилиги каби кам учрайдиган наслий касалликлари бўлган пациентлар Простамедни қабул қилишлари мумкин эмас.

Ҳомиладорлик ва эмизиш

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлангандаги хавфсизлиги ўрганилмаган. Шунинг учун ҳомиладорларга ва эмизаётган аёлларга Простамедни қўллаш мумкин эмас.

Автотранспортни бошқариш ва бошқа махсус ускуналар билан ишлаш қобилиятига таъсири

Таъсир қилмайди.

Препаратни болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиши ҳоллари хақида хабар берилмаган. Ноҳуш реакциялар пайдо бўлиши мумкин.

Чиқарилиш шакли: 60, 120, 200 таблеткалар пластик тубаларга жойланади. 1 тубадан қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил. Очилгандан кейин яроқлилик муддати 3 ой.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ,
Штайненфельд, 3, 77736, Целль ам Хармерсбах, Германия.